

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ДУНЁ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Бизнинг мамалакатимиз дўстлик ва тинчлик мамлакати						
Муддати	Февраль ойининг 1-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Гимнастика скамейкасига ётиб қўли билан олдинга тортилиш, 15см бўлган тўсиқдан сакраб ўтишга ўргатиш, йирик ва майда тўпламлардан буюмларни ясай олиш, учадиган ва сузадиган кичик предметларни қармоқда тута олиш малакаларини тарбиялаш. Ўзининг ташқи кўринишини тартибга келтиш ва бу борада ёрдам сўрашга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болалаларнинг диққатини жамлай олишгаўргатиш, муваффақияларга эришиш учун интилишни рағбатлантириш .Ўйин жараёларида дўстларига самимий муносабатда бўлиш,ўйинчоқлари билан бўлишиш, ўйин давомида мулоқотга киришиш, жараён давомида ҳамкорлик қилиб ўзига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ролларни танлай олиш малакаларини тарбиялаш. Яшаётган юртини тинч эканлигини ҳис қилиш, дўстларининг кўплигидан фахрланиш ҳисини тарбиялаш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларга бошлаган ҳикояларини охирига етказиш, воқеликни муҳокама қилиш чоғида ўзининг мустақил фикрларини билдириш, тасавури ва эшитганлари ҳақида гапириб беришга ўргатиш. Болаларга қийин бўлмаган шаклларни чизиш, майда ва йирик қурилиш тўпламларидан ижод қилиш, берилган йўналиш бўйича қоғозни текис йирта олиш, икки қўл билан қоғозни буклашни ўргатиш. Таълимий ва сўз ўйинларида иштирок этишга қизиқиш уйғотиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Расмларни 2-3 белгиларга кўра таққослай олиш, фойдаланилишига кўра тавсифлай олишга ўргатиш. Ўтказилаётган тажрибалар орқали ўзида мустақил ишлашга, янгиликларни ўрганишга қизиқишни тарбиялаш. Геометрик шаклларга ўхшаш буюмларни топа олиш, геометрик шаклларни номлаш, “бутун” ва “яримта” сўзларининг маъносини тушунтириш.					
	Ижодий ривожланиш	Ўзбек халқ амалий санъати ҳақида дастлабки тасаввурларни кенгайтириш. Санъатга оид касблар ҳақида тушунчалар бериш. Қўшиқ ва мусикадаги баланд ва паст овозларни ажратишга ўргатиш, тасаввуридаги тасвирни аниқ белгиларига кўра чизишни ўргатиш, буюм ва танлаган қаҳрамонларнинг расмига қараб чизиш малакаларини тарбиялаш, хамир, лой ёки пластилин билан ишлаш техникасини ўргатиш. Катталар ёрдамида бармоқ театрини диққат билан кўриш ва жараёнда иштирок этиш малакаларини тарбиялаш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий- тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, яшаш ва математика	Дўстим учун альбом		Севимли ўйинчоғим учун уй		Оқ ва рангли қоғоз, геометрик шакл, қурилиш тўпламлари, ўйинчоқ, чизма ва суратлар.	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Театрга борамиз» сюжетли-ролли ўйин				“Автобус”, театр ширмаси, кўзгу, театр кассаси учун пул ва чипталар, қўйиладиган театр дастурини тайёрлаш.	
	Тил ва нутқ	С.Гафурованинг “Йиғлоқи” ҳикоясини ўқиш		Сухбат: Қарға ўзига дўст қидирмоқда		Мавзуга оид сурат, ўйинчоқ хўроз, қарға, ғоз тасвирланган карточкалар, АКТ	
	Фан ва табиат	Қум билан амалий тажриба					Қум, идиш, лупа, оқ қоғоз, патнис, стаканлар.
	Санъат	Лой иши: Кўғирчоқ учун пиёла		Аппликация: Айиқча учун гиламча безаймиз!		Расм чизиш: Сочикчани безаймиз!	Қоғоздан 15х15 смли квадрат, турли хил бўёқ, йирик квадрат ва доира, майда квадрат, тўғри тўртбурчак, буклаш учун тайёрланган қоғоз кесмалар, 15х15 ҳажмли оқ қоғоз, лой, тахта, пиёла
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА

БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК МАМЛАКАТИ

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Дўстим учун альбом

Мақсад: болалар қоғозни тенг ярмига белгиланган чизик асосида буклай оладилар, текис чизик ҳосил қиладилар, қоғоз тешгич (диракол) ёки степлер ва унинг ўқлари (катталар ёрдамида)дан фойдаланишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ қоғоз, рангли қоғоз, геометрик шакл, тайёр альбом, қоғоз тешкич (диракол), степлер ва унинг ўқлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тайёр альбомларни томоша қилиш.
2. Ишлаш учун жиҳозлар танлаш.
3. Тайёр варақларни бир-бирига степлер ёки қоғоз тешкич билан бирлаштириш.
4. Альбомларнинг устини безатиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: Дўсти учун альбомнинг ичига геометрик шакллардан фойдаланган холда табрикнома ёзиш.

Эътиборга молик жиҳати: фаолият жараёнида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳаёт ҳавфсизлиги асослари.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Севимли ўйинчоғим учун уй

Мақсад: болалар тайёр қурилган макетларни таҳлил қиладилар, қисмларни жойлашуви бўйича аниқлайдилар, қурилиш қисмларининг номланиши, ранги, катталигини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш учун блок, ўйинчоқ, чизма ва суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли хил уй суратларини томоша қилиш.
2. «Ўйинчоқ қаерга яширинди?» таълимий ўйини (Фазода мўлжал олиш).
3. Чизма асосида уй қуриш.
4. Ўйинчоқлар учун қурилган уйчалар кўргазмаси.

Қўшимча: Ўйинчоқлар ҳақидаги шеърларни айтиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: эстетик дидни ривожлантирилиши, болаларнинг мустақиллиги.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

“Театрга борамиз” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар жамоат жойлари (автобуста, театр)да ўзини тутиш қоидаларини биладилар, шеърни ҳаракатлар билан ифодали ёдлашга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: театр ширмаси, кўзгу, театр кассаси, “пул” ва “чипта”, аввалдан болалар билан ҳамкорликда тайёрланган театр дастури

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан театр ҳақида суҳбат.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Сюжетни ривожлантириш.
4. Театр кўриш.
5. Театрни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: кузатиш, байрамга бағишлаб ёдланган шеър ва кўшиқларни айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, тенгдошлари ва катталар билан мулоқатга киришиш.

Тил ва нутқ маркази

С.Гафурованинг «Йиғлоқи» ҳикоясини аудио ўқиб бериш

Мақсад: болалар асарни саволлар асосида ҳикоя қиладилар, бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини орттирадилар, ҳикоядаги салбий ҳолатларга ўз фикрларини билдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳикоя ўқилган аудио ёзув, мавзуга оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.С.Гафурованинг «Йиғлоқи» ҳикоясини ўқиб бериш.
2. Мавзуга оид иллюстрацияларни томоша қилиш.
- 3.Ҳикояни саволлар асосида қайта ҳикоя қилиш.

Қўшимча: Товушлар устида ишлаш.

Эътиборга молик жиҳати:болаларнинг диққати, уларнингҳикояга муносабатлари

Тил ва нутқ маркази

Қарға ўзига дўст қидирмокда

Мақсад: болалар бир-бирлари билан мустақил ҳолда савол-жавоб қиладилар, дўст ва дўстлик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, ҳайвон ва кушларнинг ниқоблари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳикояни тинглаш.
2. Ҳикоя мазмуни юзасидан суҳбат
3. “Шундай мулоқот қилинг” (диалог) сўз ўйинию
4. Товуш талаффузи устида иш:Чивинлар қандай куйлайдилар? (З-з-з). Пашша ўргимчак тўкиган тўрга тушганда қандай овоз чиқаради? (З-з-з)

Қўшимча: мавзуга оид шеър ўқишни тавсия қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: саволларни тўғри тузилиши, товушларни тўғри талаффуз қилиниши.

Фан ва табиат маркази

Қум билан тажриба ўтказиш

Мақсад: болалар турли тажрибаларни ўтказишга қизиқадиладар, қумнинг хусусиятлари билан танишадиладар, тажрибалар жараёнида ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қум, лоток, лупа, оқ қоғоз, патнис, стаканлар.

Фаолиятнинг бориши:

Тажриба ўтказиш: (ихтиёрий)

1-тажриба: Қум нимадан таркиб топган? Оқ қоғозга қум сочиш, лупа ёрдамида уни кўриш. Қум нимадан таркиб топган? (қум заррачаларидан). Қум зарралари қандай кўриняпти? Қум зарралари бир- бирига ўхшайдими?

2-тажриба: Қум сочиш. Кафтни қум зарралари билан тўлдириш ва уни оқ қоғозга сочишни таклиф қилиш. Қум осон сочиляптими?

3-тажриба: Сув қаерга йўқолди? Қум солинган стаканга сув соламиз, қумга тегиб кўрамиз, у қандай бўлиб қолди? Сув қаерга ғойиб бўлди?

Қўшимча: тупроқнинг хусусиятлари билан солиштириб кўришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: тажрибалардан олган тассуротлари ва гигиена қоидаларига риоя қилишлари.

Санъат маркази

Тузли хамирдан яшаш: Қўғирчоқ учун пиёлача

Мақсад: болалар хамирни юмалоқлаш усули орқали пиёла ясайдиладар, унга шакл берадиладар, бармоқлар ёрдамида пиёланинг четини ва томонларини чиқаришни биладиладар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тузли хамир, тахтакач (иш учун таглик) ва намуна учун пиёлачалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Чой учун идишлар тасвирланган расмларни кузатиш.
2. Ижодий ишни қандай бошлаш бўйича режа тузиш.

3. Тайёр намуналарни кўздан кечириш
4. Пиёлачани яшаш жараёни.
5. Болалар ижоди асосида яралган намуналардан кўргазма ташкил этиш.

Қўшимча: “Чой ичамиз” таълимий ўйини таклиф этилади.

Эътиборга молик жиҳати: болалар тасаввурларини ривожланганлиги ва мавзуни улар томонидан ёритилганлиги.

Санъат маркази

Аппликация: Айиқча учун гиламча безаймиз!

Мақсад: болалар букланган қоғоз бўйича кесма кесишни биладилар, қоғозни иккига буклай оладилар, рангларни ажратадилар. Гиламчани турли шакллар, гуллар билан безатишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: йирик ва майда ҳажмдаги геометрик шакллар, қоғоз кесмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўрмон ҳайвонлари ҳақида қисқача суҳбат.
2. «Ким қаерда яшайди?» таълимий ўйини.
3. Аппликация ишини бажариш.
4. Болалар ишларининг таҳлили ва кўргазмаси.

Қўшимча: айиқча учун леголардан каравот яшаш ва гиламчани тўшаш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар томонидан ишни аниқ бажарилишига эътибор бериш.

Санъат маркази

Расм чизиш: Сочикчани безаймиз!

Мақсад: болалар тўғри туртбурчакда нақш элементларини қўллай оладилар, ўртасини ва томонларини доира, ярим доира, барглар, нукталар билан безатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмли оқ қоғозлар, ранги бўёқлар, мўйқалам, қоғоз салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Марказда ташкил этилган сочиклар кўргазмасини томоша қилиш.
2. Намуна учун берилган расмларни кузатиш.
3. Расм чизиш учун шароит яратиш ва жараённинг бориши.
4. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: “Дўстларимизга совға” ҳоҳловчилар учун яна янги сочиклар чизиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ёрқин ва совуқ рангларга муносабат. Мустақил фаолиятнинг ривожланиши.